


Шеробод туманида 2023 йил пахта ҳосили учун қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича Сурхондарё вилояти ҳокими У.Б.Қосимов раҳбарлигида йиғилиш ўтказилди



Йиғилишда, "Сурхондарё Агрохизмат" ва "Сурхон Шеробод" кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномалар, шунингдек, 2023 йил пахта ҳосили учун олиб борилаётган агротехник тадбирлар ҳолати таъкидланди. Маълумот ўрнида бугунги кунда Шеробод туманида боғдорчиликка ихтисослашган 383 та, чорвачиликка ихтисослашган 106 та фермер, сабзаот-полизчилик йўналишида 15 та, ғаллачилик-сабзаотчилик бўйича 3 та, шунингдек, паррандачилик бўйича 6 та, асаларичилик йўналишида 2 та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.